*Мулоҳаза, муносабат*

# «МАЪНАВИЙ БОЙЛИК МОДДИЙ БОЙЛИКДАН МИНГ БОР УСТУН»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Аслида, дабдабали тўйлар қилиш истаги ва бундай ҳашамларни таъминловчи омиллар қаердан пайдо бўлди? Донишмандларнинг таъкидлашича, шуҳратга интилиш одамларнинг табиий хусусиятидир, яъни ҳар қандай инсонда ўзини атрофдагилардан баланд олиш истаги бўлар экан. Бу ёш гўдакнинг янги кийими билан мақтанишидан тортиб бугунги бойваччанинг эрталабки нонуштасини чет элдан самолётда олиб келтиришигача бўлган тарзда намоён бўлади. Маърифатли одамлар шуҳратга интиладилар, лекин бунинг тагида тоза меҳнат ётади, қолаверса, «шуҳратпараст одам ҳамиша пасткаш бўлиши»ни (П. Чайковский) биладилар ва бу иллатдан ўзларини тиядилар. Аксинча, маърифатдан йироқ бандалар ўзларини шу жабҳага урадилар, ҳар бир нарсадан: фарзандини суннат қилиш, қизини узатиш, янги уйга кўчиб кириш, вазифага кўтарилиш, туғилган кун — баҳона топиб, бисотларини бошқаларга кўз-кўз қилаверадилар. Демак, дабдабали тўйларни келтириб чиқараётган кўплаб сабабларнинг бири — маърифатсизлик экан. Фикримизнинг исботи учун бутун шаҳарга довруқ солиб тўй берган жанобнинг маърифий оламига бир назар солинг: унинг шунга яраша нодир китоблардан тузилган бой ва шахсий кутубхонаси борми, охирги марта қачон китоб мутолаа қилган, ҳеч бўлмаса газетани чинакамига ўқийдими? Шак-шубҳасиз, саволларнинг биронтасига ижобий жавоб ололмайсиз. Ана шундай, қалбида маърифат зиёси йилтирамаган инсон ўз ҳаётини тўй дошқозонлари остидаги гулхан шуъласи билан ёритмоқчи бўлади.

Мабодо мақтаниш учун қилинаётган (мақтанчоқ) тўйларни таъминловчи моддий омиллар ҳақида гап кетар экан, ҳеч ким бели майишиб, пешона тери билан топган даромадини ҳавога совурмаслиги кундай равшан ҳақиқат. Бинобарин, дабдаба-ю асъасалар замирида текин даромад, ўзи «оқиб» келувчи пуллар ётади. Текин даромаднинг бош манбалари ё пора бўлади, ё ўз мансабини пеш қилиб, одамларни талаш бўлади. Кўриниб қолаяптики, мақтанчоқ тўйлар порахўрлик билан юлғичликни ғайритабиий равишда қоидалаштираяпти: пора олиш мумкин ёки юлиш мумкин, ахир бир кун элга ош берилади-ку ёки дабдабали тўй қилиш учун, албатта, пора олиш керак, юлиш керак.

Биз тобора кўникиб бораётган, баъзан қувонч, баъзан истиҳола билан қатнашаётган бундай ғайримиллий (мен бу сўзни тўла маъносида ишлатаяпман) тадбирларнинг илдизига янада чуқурроқ разм соладиган бўлсак, бундан ҳам баттар иллатлар яширинган. Бундай тўйлар ким ўзарга — рақобат тусини олиб кетгани сир эмас. Унинг ташвишлари атрофида ошна-оғайнигарчилик, гуруҳбозлик, қолаверса, маҳаллийчилик айланиб юрмайдими?

Шундай бир ақида ҳеч ким оғзида таъкидламаса ҳам ҳукмронлик қилади: «Энди, фалончи шу кунга етибди, ошна-оғайни, қариндош-уруғ, «земляк»лар, тўплан, қурбинг етганча ташла». Шунда нари томондан бир сас келади: «Фалончи кўринишидан ҳеч нарса эмас эди, бинойидек тўй қилди, бизнинг пистончи акамиз ундан ўн чандон ортиқ, танасида жони бор яқинларни тўпла!» Шундай изтироб-у, мусобақалар билан тўй ҳам ўтади, шу баҳона бир норасмий гуруҳ пайдо бўлади: «тўйда елиб-югуриб хизмат қилганлар!» Кузатишлар кўрсатадики, олғир, муттаҳам одамлар ана шундай пайтдан унумли фойдаланар экан. Мансабдорга кўпроқ ёқиш, унинг ишончини қозониш учун ҳамма ишга тайёр турарканлар, чунки йўлак очилди, акахоннинг бағрига кириб олиш пайти келди. Орадан кўп ўтмайди-да, ҳалиги олғир атторнинг қутисида ҳам йўқ талаб билан «тўйчи» акахоннинг қабулига боради. Тўйда айтилган қўшиқлар жаранги ҳали қулоғидан кетмаган, унинг шодлигидан масрурлиги тарқамаган акахон ўшанда кўнглини овлаган ўғил болага ўғил болача илтифот билан жавоб қайтаради: ҳар қандай қонун-қоида ёки жамиятда ўрнатилган тартибни назар-писанд қилмай, «ука»нинг илтимосини бажо қилади — яхшиликни мансабда ўтирган пайтида қайтармаса, қачон қайтаради! Мана, бирон низомнома ёки йўриқномада кўрсатилмайдиган, бирон кодекс талабларига тушмайдиган хуфёна йўллар қандай пайдо бўлади! Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бундай хуфявий усуллар бизнинг ўзбекона турмуш тарзимизда жуда урчиб кетган.

Биз бу ўринда асло эҳтиросларга берилаётганимиз йўқ, яъни барча иллатларнинг манбаи тўйлар, деган даъводан бутунлай йироқмиз. Оқ билан қорани, яхши билан ёмонни фарқлай олиш керак, ватандошлар! Бир кун наҳорда, яна борингки, оқшомда тарақ-туруқ билан ўтиб кетувчи дабдаба деб турмушимизда нималарни бой бераётганимизни тушуниб етайлик. Ахир одамийлик бойлик билан, одамгарчилик тўйларда келтириладиган совға билан ўлчаниб қолди-ку. Бундай сохта ақидалар инсонларнинг қаддини кўтариб турган, уларни бир-бирига боғловчи робита бўлган Меҳр-оқибатни бурчакка қисиб қўймаяптими? Ота-боболаримиз «Қаерда пул аралашса, бойлик аралашса, ўша ердан оқибат, меҳр кўтарилади», деган пандни қайта-қайта такрорлаб ўтганлар.

Халқимизда «Бошинг тўйдан чиқмасин», «Топганинг тўйга буюрсин» деган гўзал тилаклар бор. Ҳаммамиз шу сўзларнинг қулимиз. Уйга меҳмон келса — тўй, фарзанд туғилса — тўй, ишдаги ютуқ — тўй. Бу тўйлар қачон татийди, қачонки, унинг иштирокчиларини самимият бирлаштириб турса! Мансабдор олдида қуллуқ қилиб турган одамда самимият бўладими, бугунги совға эвазига эртага юқори лавозим кутиб турган одамда самимият бўладими?

Ахир ўйлаб кўринг, ҳамма довруғи дунёни тутадиган тўйлар қилишга киришиб кетса, бу ёғи нима бўлади? Аждодларимиз, ота-боболаримиз оламни ўз илми, маҳорати, санъати билан лол қолдириб турган бир шароитда биз, уларнинг авлодлари жаҳонга ўз ошхўрлигимизни кўз-кўз қиламизми? Тўйларнинг ҳозирги мазмуни чет элликни ҳам, ўзимизни ҳам қойил қолдирмайди. Ҳеч бўлмаганда, улардаги исрофгарчиликни назардан ўтказайлик. Агар рўзғорда битта нон икки кунга етказилса, ўша рўзғорнинг бойлиги икки ҳисса кўпайган бўлади, мабодо тўрт кунга етказилса, тўрт ҳисса кўпайган бўлади. Тўйларда, аксинча, исрофгарчилик ошгандан ошиб кетаверса, Қувайт ёки Баҳрайн бўлганда ҳам қашшоқлашиб қоларди. Унақада юртимизда фаровонлик қачон таъминланади?

Ҳолбуки, биз оламшумул ниятлар билан яшаяпмиз. Тарихи буюк юртимизнинг бугунги қиёфасини дунёга танитиш, порлоқ келажакни таъминлаш Президентимиз сиёсатининг марказида турибди. Мана, кейинги пайтларда Йўлбошчимиз томонидан илгари сурилган ишларни бир қур эслайлик. Замонавий, миллий кадрлар тайёрлаш, ёшларни чет элларда ўқитиш, қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар, миллий мафкура, тарихга муносабат, «Авесто», тўй-ҳашамларни замон руҳига мос ўтказиш, тиббий хизматни юқори даражада йўлга қўйиш. Бу вазифаларнинг бажарилиши юртимизнинг юксалишида бир пиллапоя бўлиб қолиши шубҳасиз. Хўш, уларни уддалаш кимнинг зиммасида? Бутун мамлакат салоҳияти улуғ режалар ижросига сафарбар қилинсагина мақсадга тўла эришилажаги шак-шубҳасиз. Дунёга юз тутган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қадами имтиҳон бўлиб турган бир шароитда маиший маҳдудлик чегарасидан чиқиб оламшумул орзулар билан яшаш ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир.

Сир эмас, шўро тузуми даврида «Тўйлар ҳақида ўйлар» деган бир боши берк мавзу бўларди. Шундоқ кўриниб турган бемазагарчиликлар ҳақида биров безовта бўлиб мақола ёзар, бир-икки ой муҳокама бўлар, шу билан ҳаммаси тугарди ва тўйлар яна олдинги ўзанида давом этиб кетаверарди. Мен, олайлик, Москва Ўзбекистонда тўйларнинг ўтказилиши юзасидан қайғуришини ёки бу ваколатни республика раҳбариятига беришини тасаввур ҳам қила олмайман. Мана, юрт ўзимизники экан, ўта жиддий ижтимоий масалага давлат миқёсида аҳамият берилиб турибди. Умид қиламизки, бу Фармон бизнинг ҳозиргача фақат еб-ичишга қаратилган турмуш тарзимизни энг ривожланган мамлакатларда синовдан ўтган даражага кўтаришда таянч бўлади. Зеро, муқаддас китобларда айтилганидек «Қалбда фақат ягона Оллоҳ яшаши лозим, мабодо унга шерик сифатида Бойлик пайдо бўлса, Оллоҳ бу вужудни тарк этади». Аниқки, Худони танимаган одам бандасини писанд қиладими? Биз кўзлаган манзиллар эса кескин руҳий кўтарилишни, ақл ва тафаккурда бутун дунё эришган тажрибаларни умумлаштиришни талаб қилади. Бунинг учун юксак маънавият ва уни ўзида сақлайдиган буюк покиза қалб лозим бўлади. Мустақиллик масъулияти эндиликда шахсий иззатталабликдан воз кечиб, умуммиллат манфаатлари атрофида бирлашишни тақозо этмоқда. Дабдабали тўйлар ана шу йўлдан юртдошларимизни чалғитади, холос.

Маълумки, тўйлар халқимизнинг турмуш тарзига жуда сингиб кетган. Табиатан очиқ кўнгил, бағри кенг бўлган ўзбек топганини биров билан баҳам кўришни, меҳмоннинг олдига дастурхон ёзишни яхши кўради. Шундай экан, тўйларда энг яхши урф-одатлар, анъаналар акс этиши керак. Бирор нарсани таъқиқлаб қўйиш, бекор қилиш осон, бироқ турмушда унинг ўрнини нима билан тўлдириш ундан муҳимроқ. Тантаналарнинг барча кўриниши (хатна, қиз узатиш, ақиқа, чорлар, ҳовли тўйлари, юбилейлар ва бошқа) лозимдир, гап ҳозир бу ўринда уларнинг қайси биринидир рад этиш ҳақида эмас, балки мазмунан ва шаклан миллий асосларда ташкил этиш устида кетаяпти. Бу юмуш эса осон эмас. Замонавий тўй кўринишларини яратишда бой маънавий меросимиздан, бошқа халқлар ютуқларидан фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Шубҳасиз, мазкур вазифа жамоат ташкилотлари, истиқлол йиллари ташкил этилган кўплаб ижтимоий институтлар ва энг асосийси, одамларимизнинг ўзлари иштирокида муваффақиятли бажарилади.

Аслида, узоқ даромаднинг буромади қисқача шундай ифодаланади: ҳар бир одам ўзича ҳалол яшашни касб қилиб олса, турмушда ҳам, ҳаётда ҳам ортиқча даҳмазалар пайдо бўлмайди. Ҳалоллик — кўнгил чироғи, чироғи ўчган хонадонда эса ҳеч нарсада тартиб бўлмайди. Илоё, ҳеч бир кўнгилнинг чироғи ўчмасин!

**Ҳаким САТТОРИЙ**

## Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар олдидан

***Бахту бахтсизлик қош билан қобоқнинг ўртасида, деганлари рост экан. Куни-кеча кўпларнинг ҳавасини келтирган Икромжоннинг уйига ўт кетди. Ҳамма нарса олов қаърида қолди. Тилсиз ёв бутун бошли оилани кўчада қолдирди.***

# МАҲАЛЛАМИЗ КИШИЛАРИ

— Бизникида яшайсизлар, - кўзлари ёшланиб турган Икромжонни бағрига босди ён қўшниси Ўктамжон.

— Болалар омон қолганига шукур қилинг, — қўшнисининг кўнглини кўтарди Ортиқали, — кўплашиб уйни тиклаймиз. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасизлар.

Маҳалладошлар Икромжоннинг ўша оғир кунларида ёнларида бўлишди, бағирларига олишди, беминнат ёрдам кўрсатишди. Далда-ю таскинлар билан ўксик қалбига иликлик бағишлашди. Ўз фаолиятини кишилар орасида ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат сингари одамийлик фазилатларини кенг қарор топтириш, ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқароларга баҳоли-қудрат ёрдам беришга йўналтирилган "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси ходимлари кунора жабрдийдалар ҳолидан хабар олди. Керакли миқдорда қурилиш материаллари билан таъминлади.

— Маҳалланг ота-онанг, деб шуни айтадиларда, — миннатдор бўлиб гапирди Икромжон,— агар улар бўлмаганда, билмадим, ҳолим не кечарди.

Яқинда Икромжон билан кўришдик. Руҳи тетик, ўзи бардам. Буни юз-кўзларидаги ним табассум, гап-сўзларининг ўктамлиги ифода этиб турибди.

— Бошингга оғир иш тушганда суянса суянгудай қудратли Ватанинг борлигини, атрофингда туғишганларингдек меҳр-оқибатли қўшниларинг, ёр-биродарларнинг борлигини ҳис этиб яшашинг ўзи бир бахт, — дейди у. — Мана, уйни ҳам тиклаб олдик.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлгани каби ўн беши ёруғ ҳамдир. Ана шу ёруғлик, иликликларда жамғармамизнинг ҳам ўз ўрни борлиги қувонарлидир. Ўтган йили салкам саккиз юз нафар фуқаро беминнат хизматимиздан баҳраманд бўлди. Бу йил яна юзлаб хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари, хўжалик совуни, турли хил кийим-кечаклар билан кириб бордик. Болакайларнинг суннат тўйлари, "Энг намунали хонадон", "Энг ибратли келинчак", "Оилам — бахтим менинг, гузарим — фахрим менинг" сингари кўрик-танловларнинг ўтказилишида бош-қош бўлдик.

Оила бахти - тўкис бахт. У тинч бўлса маҳаллада осойишталик ором топади. Маҳалланинг тинчлиги қишлоқ ва шаҳар тинчлигидир. Тинчлик, осойишталик фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги ҳукм сурган юрт маъмур юрт. Кўриниб турибдики, кўп нарса оилага бориб тақалади. Демак, оила мустаҳкамлиги учун ўша хонадон эгаларигина эмас, ҳаммамиз масъулмиз. Биз "Оила йили"да асосий эътиборни ҳар бир оиланинг тинчлиги, мустаҳкамлигига қаратаётганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Шаҳарнинг Султон Жўра, "Андижон", "Яхши", "Майдон бозор" каби маҳаллаларининг фаоллари билан бир пиёла чой устида ўтказилган суҳбатларда бир болани етти маҳалла тарбиялаши хусусида сўз борди. Андижон шаҳар ҳокимлигида "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган йиғилишда "Бахт уйи" раисаси Каримахон Мамажонова, жумладан, шундай деди: — "Ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш", "Аёлларнинг ҳуқуқий билимини, маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" тўғрисидаги дастурлар бўйича талай ишлар амалга оширилганига қарамай ажралишлар сони йил сайин ортмоқда. 1996 йили 383 оила бузилган бўлса, ўтган йили кўрсаткич 126 тага кўпайди. Нега ажралишлар камайиш ўрнига акси бўлмоқда? Авваллари тўрт-беш ойлаб қуда-андачиликлар қилинган. Бу муддатда бир-бирини синаб кўришган. Эндичи? Йигит-қиз унаштирилгач, бир ҳафтага қолиб-қолмай тўй бошланмоқда.

"Оила кодекси"нинг 15-моддасида никоҳ ёши йигитлар учун 18, қизлар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бироқ бир хил ота-оналар "Кўзимнинг очиқлигида кўриб қолай", деган тор тушунча билан гулдай қизларини бир умр бахтсиз қилиб қўймоқдалар. Андижон шаҳрида яшовчи А. исмли аёл ҳали 15 ёшга тўлиб-тўлмаган қизини куёвга узатган. Ёш она туғолмай қийналди. Яхши ҳамки унинг бахтига шифокорлар бор экан. Улар ёш аёлни ўлим чангалидан қутқариб қолдилар. Бироқ чақалоқ нобуд бўлди. Ҳали ўн гулидан бири ҳам очилиб улгурмаган аёл бир умр фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлди. Қизининг бахтига зомин бўлган она эса фарзанди чеккан дарду азобларни кўриб бир кечада сочлари оқариб кетди.

Юқоридагидай ташвишли ҳолатлар "Ғайрат", "Деҳқонобод", "Дўстлик", "Бўстон", "Тўққизариқ" маҳаллаларида ва бир қатор кичик даҳаларда ҳам содир этилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўтган йили 18 нафар қиз балоғат ёшига етмай туриб куёвга узатилган.

Ўлим мусибатини ҳеч ким четлаб ўтолмайди, унга чап ҳам беролмайди. Шундай ҳолат юз берганда дастурхончи аёлларимизнинг аксарияти азадорни ўртага олади:

— Онанг энди қайтиб келмайди, фотиҳага келганларнинг ҳар бирига совун улашасан, — дейди биттаси.

— Сени бекорга ўстирганми, уни рози қилмоқчи бўлсанг келиб-кетувчиларга пул тарқатасан, — баланддан келади иккинчиси.

— Домлаю отинчаларга кийимлик билан кескилик топасан, -дея йўл кўрсатади учинчиси.

Унча-мунча одамни, ҳатто бутун оилани букиб ташлайдиган юқоридагидай серчиқим ақидаларга чек қўйдик. Маҳаллаларнинг фаоллари, оқсоқоллари, дастурхончи оналар билан маслаҳатлашиб, азадорни абгор қилиш эмас, аксинча, унга баҳоли-қудрат ёрдам беришни йўлга қўйдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, Балиқчи туманидаги ҳамкасбларимиз тўйларни камчиқим, ортиқча дабдабасиз ўтказиш мақсадида махсус комиссия ташкил этдилар. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, ибратли оилаларнинг вакилларидан таркиб топган комиссия аъзолари йигит билан қизнинг ўртасида турган совчиларнинг исм-шарифларини ҳам махсус дафтарга ёзиб бормоқдалар. Чунончи, совчилар ёш оиланинг тинч-тотув яшаб кетишининг кафилини ўз зиммаларига олмоқда. Бунинг самараси яхши бўлаётир. Менимча, ажрим комиссияларини ҳам ташкил этиш керак. Ўшанда судга ҳам, бошқа ташкилотларга ҳам иш кам бўлади. Ёшлар унаштириш пайтида кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашишса, фойдадан холи бўлмасди. Негаки, улар куёвниям, унинг қайлиғи, ота-онасининг насл-насабиниям яхши билади. Шунга қараб йўл-йўриқ кўрсатади.

Яқинда шаҳардаги мавжуд 63 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларини аттестациядан ўтказдик. Ўзига берилган ваколатни яхши тушуниб етмайдиган, халқни ўз ортидан эргаштиришга лаёқати бўлмаган 13 нафар оқсоқол синовдан ўтолмади. Уларнинг ўрнига ташаббускор, халқ ишига қайишимли, куйиб-ёниб яшайдиган кишилар келди. Айни пайтда Ўзбекистон Олий Мажлиси Кенгашининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори юзасидан жойларда бир қатор ишлар бошлаб юборилди. Бўлажак сайловларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислигига ва уларнинг маслаҳатчиси ўринларига кўпни кўрган, элим, юртим дейдиган фидойи инсонларни сайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ишончимиз комилки, улар келгусида халқ ишончини қозонадилар. Зеро, ҳозирги кунда олиб борилаётган тайёргарлик бунга қатъи ишонч уйғотади.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Маҳалла" хайрия жамғармаси Андижон шаҳар бўлими раиси.**

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА 1999 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

***«Ахборотнома»га йил бўйи обуна бўлиш мумкин. Аммо ҳозир унга обуна бўлишнинг айни пайти. Бунинг учун республикамиздаги исталган алоқа бўлимига мурожаат этиш кифоя.***

«Ахборотнома»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг айрим масалаларга бағишланган қарорлари мунтазам эълон қилиб борилади. Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларни ҳам «Ахборотнома» изчил бериб боради.

Бу айниқса вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари учун, мулк шаклидан қатъи назар барча корхоналар ва ташкилотларнинг бошлиқлари ва мутахассисларига, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳамда юридик билимга қизиқувчи барча муштарийларга ғоят керакли нашрдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси» ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида, бир жилдда чоп этилади.

**«Ахборотнома»нинг индекси 887 бўлиб, каталог бўйича баҳоси: бир ойга — 150 сўм, уч ойга — 450 сўм, олти ойга — 900 сўм, бир йилга — 1800 сўм.**

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бетўхтов расмийлаштириш мумкин.



## ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ

# ХАРИДОРГИР ТОЛАЛАР

***Ҳар соҳанинг ўзига хос сиру синоати, тошу тарозиси бор. Пискентлик тажрибали муҳандис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Илҳом Абдураҳмонов айтади:***

***— Билсангиз, пахтанинг меҳнатини чидаганга чиқарган. Йил-ўн икки ой қушда тиним бор, деҳқонда тиним йўқ. Бир дона чигитни оппоқ жавоҳирга айлантиргунча, тунларни тонгларга улайди, юрак қони ила йўғрилган пешана терини эгатлар узра маржондек сочади. Яна нима дейин?.. У ёғини сўрасангиз, ўша қимматли хомашёни қайта ишлайдиган толачиларнинг заҳмати ҳам пахтакорникидан асло кам эмас. Негаки чигитдан тола ажратиб олиш ғоят нозик ва масъулиятли жараён, бу тўқимачилик саноати учун юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.***



Илҳом аканинг ғалати феъли бор — ўзи ҳақида гапиришни хуш кўрмайди. Эҳтимол, бу табиатидаги камтарлик ва камсуқумликдандир. Пискент пахта тозалаш заводи остонасига қадам қўйганида мўйлови эндигина сабза урган 16 яшар ўспирин йигитча эди. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Ҳаётда оддий чилангарликдан раҳбарлик лавозимига кўтарилишнинг ўзи бўлмайди. И. Абдураҳмонов ана шундай ишончга мушарраф бўлган омадли инсонлардан. Унинг саъй-ҳаракати ва ташкилотчилиги билан қисқа вақт мобайнида корхонадаги деярли барча цехлар қайта таъмирланди, янги технологияга асосланган замонавий ускуна ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Зотан кўпга бош бўлиш ҳам санъат. Ўз қадр-қимматини биладиган раҳбар учун амал курсиси эмас, балки жамоа манфаати, элнинг дуоси, ва ниҳоят, қалбларга сочилган яхшилик ҳамда эзгулик уруғлари ҳамма нарсадан муҳимроқдир.

И. Абдураҳмонов узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида бу ақидага қатъий амал қилиб келаяпти — кам бўлгани йўқ. Тошкент вилоятида биринчилар қаторида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» унвонига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Ўз касбини чуқур ва пухта ўзлаштирган малакали мутахассис ҳозирги кунда завод директорининг муовини бўлиб ишламоқда. Шогирдлари, издошлари бир талай. Улардан амалий ёрдами ва маслаҳатларини аямайди.

Корхона жамоаси жорий йилда тумандаги 12 та хўжаликдан 30 минг тоннага яқин пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ҳамда қайта ишлашни режалаштирган. Шу мақсадда мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Завод тасарруфидаги 4 та қабул пункти, уларга тегишли бўлган 18 та транспортёр, 136 та майдонча, 18 та ПЭЛ русумли агрегат, мавжуд тош-тарозилар августнинг бошларидаёқ тўла шай ҳолга келтирилган эди. Шу туфайли айни кеча-кундузда толачилар бирон-бир мушкулот сезишмаяпти. Корхона дарвозасидан кирган ҳосилни пешма-пеш қабул қилиш ва саранжомлаш учун барча шарт-шароит муҳайё. Иш уч сменада ташкил этилган. Тумандаги И. Ҳайдаров номли, «Пискент», Дўстбеков номли хўжаликлардан жўнатилган хомашё мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозиргача тайёрланган ялпи пахта ҳосили салкам 25 минг тоннани ташкил этаяпти.

Куз бободеҳқонни шоширмоқда. Фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган бебаҳо бойликни ёғин-сочинга қолдирмай, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш барча қатори пискентликларнинг ҳам асл мақсадига айланган. «Оқ олтин» хирмонлари тобора юксалиб, кўкка кифт тирамоқда. Табиийки, ана шу ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан қайта ишловчиларга боғлиқ. Улар эса ҳар дақиқани ғанимат билишаяпти. Тола миқдори ва сифатини ошириш, юқори самарадорликка эришиш учун мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Корхонада жами 500 киши меҳнат қилади. Кўп йиллик тажриба, касб маҳорати, иқтисодий манфаатдорлик ютуқлар омили бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Сентябрь ойида 1380 тонна пахта ҳосили қайта ишланиб, 400 тонна ўрнига 448 тонна тола олинди. Иккиламчи маҳсулот (чигит, шелуха, шрот)нинг асосий қисми шартнома асосида хўжаликларнинг ўзига қайтарилмоқда. Октябрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган тола миқдори янада кўпроқ тош босди — 600 тонна. Тола чиқиши салкам 33 фоиз. Бу стандарт талабларига тўла мосдир. Заводда бўлсангиз, ёпиқ айвонлар остида жўнатишга тайёрлаб қўйилган пахта тойларига кўзингиз тушади. Чунки бугун Пискент толасининг харидори кўп. У мамлакатимиз сарҳадидан ошиб ўтиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳам бор гап. Айтайлик, кейинги икки ой мобайнида Жанубий Кореяга 200 тонна, Швейцарияга 150 тоннадан зиёд маҳсулот жўнатилди. Хорижлик шериклар унинг сифатидан мамнун.



Жаҳон андозаларига мослашиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Корхона раҳбари Ҳакимжон Жўраев — янгиликка ўч, изланувчан мутахассис. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Тўғрироғи, жамоада талабчанлик амалий ғамхўрлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Шу боис, самарадорлик юқори, одамларнинг кайфияти баланд. Эътибор беринг: ўртача ойлик 6 минг сўмни ташкил этмоқда. Тушлик — текин. Ишнинг унуми ва сифатига қараб, илғорлар моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилади. Айтайлик, ҳар сменада 20 тонна тола ишлаб чиқарган бригада учун 6 минг сўм мукофот нақд. Мавсум давомида Ризвон Тўхтаев, Алик Аристанов, Эргаш Жўраев бошлиқ жамоалар беллашувда бир неча бор ғолиб чиқиб, меҳнат нашидасидан баҳраманд бўлдилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

— Аҳиллик ва манфаатдорликда ҳикмат кўп, — дейди Ҳ. Жўраев. — Биз ўтиш даврига хос қийинчиликларни бартараф этишда асосан жамоа аъзолари кучига таянаяпмиз. Ўйлайманки, тўғри қилаяпмиз. Қолаверса, бозор шароитида уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоялаш муҳим бурчимиздир. Корхона ҳузурида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликда 150 бош қорамол парваришланмоқда. Сут-қатиқ текин. 30 сотих лимонарийдан олинган ҳосил ҳам ички эҳтиёжлар учун сарфланаяпти. Қиш мавсуми олдидан ишчи-хизматчиларга 100 килодан картошка, 200 килодан пиёз, 10 килодан пахта ёғи бепул тарқатилди. Умуман, касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жорий шартномада ижтимоий муҳофаза масаласига катта ўрин ажратилган. Бу бизнинг доимий ишимиз бўлиб қолади.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*СУРАТЛАРДА: заводнинг техника назорати бўлими бошлиғи Муҳтарам Абдуллаева; пахта хирмонлари; назоратчилар Боқижон Отамуродов, Муҳаббат Ҳошимова ва товаршунос Собир Нурматов чет элга жўнатиладиган тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.*

**Муҳаммад Амин олган суратлар**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 68,83 |
| 1 Австрия шиллинги | 9,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 179,93 |
| 10 Бельгия франки | 30,99 |
| 1 Голландия гульдени | 56,72 |
| 10 Греция драхмаси | 3,83 |
| 1 Дания кронаси | 16,95 |
| 1 БАА дирхами | 29,43 |
| 1 АҚШ доллари | 108,08 |
| 1 Миср фунти | 31,74 |
| 1 Ирландия фунти | 160,10 |
| 1 Исландия кронаси | 1,55 |
| 10 Испания песети | 7,57 |
| 100 Италия лираси | 6,50 |
| 1 Канада доллари | 69,74 |
| 1 Хитой юани | 13,06 |
| 1 Қувайт динори | 361,47 |
| 100 Ливан фунти | 7,20 |
| 1 Малайзия ринггити | 28,44 |
| 1 Германия маркаси | 64,38 |
| 1 Норвегия кронаси | 14,49 |
| 1 Польша злотийси | 31,24 |
| 10 Португалия эскудоси | 6,31 |
| 1 Сингапур доллари | 65,50 |
| 1 СДР | 150,07 |
| 1000 Туркия лираси | 0,36 |
| 1 Финляндия маркаси | 21,19 |
| 1 Франция франки | 19,20 |
| 1 Швеция кронаси | 13,36 |
| 1 Швейцария франки | 77,98 |
| 1 ЭКЮ | 126,62 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,82 |
| 10 Япония иенаси | 8,83 |
| 1 Россия рубли | 6,59 |
| 1 Украина гривнаси | 31,54 |
| 1000 Беларусь рубли | 1,64 |
| 1 Латвия лати | 189,95 |
| 1 Литва лити | 27,02 |
| 1 Молдава лейи | 14,40 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,02 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

